XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДАН МАТОЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАР

Ю. Гайбуллаева

Россия корчалонлари Туркистон бозорини эгаллагач, маҳаллий ҳунармандчилик молларини сиқиб чиқара бошлади. Фабрикаларда ишланган матолар косиблар қўлидан чиққан матоларнинг бозорини касод қилиб боравердики, бу ҳол ўлка хўжалигининг бозор эҳтиёжлари учун мол ишлаб чиқариш соҳасининг умумий тараққиёти жараёни билан натурал хўжаликнинг инқирози билан боғлиқ эди. Аҳоли орасида ҳам асосан фабрикада ишланган ип-газламалар:чит, бўз, коленкор, хомсурупдан тикилган кийим-кечакларни кийиш расм бўлди. Бой-бадавлат кишилар эса кимхоб, ипак, атлас, духоба рангоранг мовутлардан кийим тиктириб кия бошладилар. Аммо шунга қарамай, косиблар дастгоҳидан чиққан маҳаллий газлама: мато, бўз, нимшойи газмол, адрас, беқасам, подшои, кимхоб, хонатлас, катакшойи кабиларнинг турли хилларига ҳам эҳтиёж катта эди.

XIX аср охирида шойи тўқиш бўйича Фарғона водийси етакчи ўринда эди. 1896 йилда Марғилон, Наманган ва Қўқон уездларида 600 шойи тўқувчи устахоналар бўлса, Тошкент уездида атиги 20 устахона ишлаган. 1910 йилда Фарғона водийсида 1387 шойи тўқиш устахоналари бўлиб, уларда 3165 ҳунармандлар ишлаган. Марғилондаги 911 устахонада эса 2570 нафар ишчи меҳнат қилган. 1903 йилда Хивада 40 ипак тўқувчи дастгоҳлар, Хонқада 20 та бўлган. Самарқандда 1912 йилда 237 шойи тўқиш устахоналари, Бухорода 26, Қаршида 19 устахона мавжуд эди.

XIX асрнинг 80-йилларидан маҳаллий ҳунармандлар рус молларига тақлидона газламалар ишлаб чиқариш учун Марказий Россиядан калаваларни олиб кела бошладилар. Хоразмда пиллакашлик ва шойи тўқиш Хива ва Хонқада марказлашган эди.

Ипакчиликда ишлаб чиқариш ихтисослашган эди. (Пиллакаш, чархончи). Шойи тўқиш устахонасида чорхона, найчавар, найча каби ихтисослар бўлган. Ўша даврдаги эрта-кеч ишдан бош кўтармай меҳнат қилган ҳунармандларнинг аҳволи ҳақида матбуот шундай гувоҳлик беради: “Ҳунармандниг овқати солдат паёгидан 2,5 баробар камдир. Уларнинг кунлик иш ҳақи 1 рубль 40 тийиндан ошмаган[1].

Ҳунармандлар кўпинча хом-ашёни бойлар, савдогарлардан қарзга олишар эди. Улар ана шу қарзларни тўлаолмай йилдан йилга ўз таъминотчиларига қарамликдан қутула олмас эди. Кўп хонавайрон бўлган ҳунармандлар уйда ишловчи қаролларга айланиб қолишарди.

Шу тариқа касаначилик кўпая бошлади. Ана шу касаначиликка асосланган тўқимачилик саноатини барпо этишга уринган корчалонлар ҳам пайдо бўлди. 1866 йил Тошкентда бўлган шарқшунос олим П.Пашино ўз хотираларида ана шу манзарани яққол тасвирлаган. Бир оилага пахта тозалаш, иккинчи оилага йигирув калава, учинчисига тўқув, тўртинчисига эса бўяш топширилган. Шу тариқа дастгоҳга ҳам, устахона, хом-ашёга ҳам эҳтиёж қолмаган, ҳеч ким ишсиз ўтирмаган[2].

---

[1] Пономарёв П.М., Трудов М.А., Шмаков П.А. Щелкообрабатывающая промышленность Узбекистана. Ташкент, 1941, С. 12.

[2] Пашино П.И. Туркестанский край в 1866г. Путевые заметки, СПб, 1868, С. 139-140.

XX асрнинг 20-30 йилларида ҳунармандлар махсус цехларга уюша бошлади. Улар кенг миқёсда косибчилик матолари ишлаб чиқарганлар. Кейинчалик барча жараёнлар механизациялаштирилган йирик тўқимачилик корхоналари қурила бошланди. Шу билан бирга матоларнинг анъанавий бадиий услублари ҳам ўзгара бошлади.

Миллий ипак матоларини тайёрлашда ўзига хос ипак маркази – Фарғона водийси алоҳида ўрин эгаллади. Марғилон ва Наманганда матолар тайёрлашнинг ўзига хос безакли услублари, маҳаллий мактаблари шаклланди. Газмолларни ишлаш ва айниқса, уларга гул солиш техникаси анча мураккаб эди. Уларга гул нақш солишда икки хил услуб йўл-йўл ва абр усули қўлланилган. Ип-газлама, шойи, нимшойи газламаларга шу абр усулида гул солинган. Бу турдаги газламаларни чиқарадиган тўқувчилик марказлари Самарқанд, Ургут, Нурота, Бухоро, Ғиждувон, Зандона, Наманган, Бешариқ туманларида мавжуд бўлган.

Матоларга гул босишнинг абрли усули қимматбаҳо ипак газламаларни ишлаб чиқариш учун қўлланилган. Абрбанд усули билан ипларни ўраб, боғлаб қўйишдан иборат мураккаб ва сермеҳнат жараён хонатлас тўқишда қўлланилган.

Абр техникаси ижодий фантазия учун беқиёс имкониятлар яратган. Шуниси қизиқки, “абр” атамаси XVI аср адабиётларида кўп тилга олинган. Халқ усталари абрбандларнинг эртаксимон нақшларидаги бой тасаввур кишини лол қолдиради. Анъанавий нақшларни ёддан билувчи усталарнинг солган афсонавий нақш-безаклари – “Хосиятхон”, “Гул номозшом”, “Баҳор”, “Камалак”, “Зарифахон” каби хонатласлар уйғонаётган баҳор, гўзал қизлар номлари, товланаётган рангларни ўзида муҳрлаб қўйган.

Анъанавий халқ оғзаки ижоди руҳида яратилган товус атлас нақши жуда ўзига хос. Бир метрга бўй чўзган ва эни ҳам шунча атласда афсонавий қуш қанотлари товланади. Бошқа нақшда эса бир-бирига қараб учаётган ёйсимон ўқлар парвози акс этган. Йўл-йўл беқасамлар яратган усталар ижоди тасаввури ҳам бепоён. Хонатлас ва беқасамларга яқин нимшойи абрли адрас ҳам ўз жилоси билан диққатни жалб қилади.

Тўқувчиликнинг ҳар хил турлари ривожланган шаҳарларда кийим-кечакларнинг асосий матоси газламалар, ипак, нимшойи, кановиз, шойи, хонатлас, бархат, беқасам, банорас, парпаша, адрас, якрус, катак шойи, товлана шойи, абр шойи ва бошқалар эди. Бўялмаган косиб материалдан тайёрланган куртача, алача, қалами каби газламалар кенг расм бўлган.

Тошкентда хотин-қизларнинг рўзғорбоп кийимлари йўл-йўл қалами, оқ мато – бўздан тикилган. Оқ читдан эса саллачалар ва рўмоллар тўқилган.

Байрамлар, тантаналар ва тўй маросимларида кийиладиган либослар эса қимматбаҳо матолардан тикилган. Адрас, атлас, хонатлас каби ипак матоларда абрли шоҳи сўзана ишлатилган[3].

Тошкентда XIX аср охири ва XX асрларда хотин-қизларнинг халатлари – мурсак тикишда косибча ипак дуруя ишлатилган[4]. Ўзбекистон республикаси Давлат тарихи музейи (ЎзРДТМ) фондларида сақланаётган калтачи (мунисак) намуналари шуни

[3] ЎзР ДТМ, этнография фонди (ЭФ), Инв.№3111, 74-15 коллекциялари.
[4] Ўша жойда, Инв. Э 1448- 148, 22-159 коллекциялари.

кўрсатадики, Бухорода уларни тикиш учун тилла ҳалли зарбоб парча[5], косибча маҳаллий мато – алача[6], маҳаллий мато олма шойи[7] ишлатилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Горшунова О. В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений

2. (конец XIX - конец XX в.) . ... – 5 №. – С. - 29

3. Полвонова Б. Эмансипация мусульманки. – Москва: 1982. – С. 204.

4. Нишонбоева Қ. В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. Тошкент: 1998. - Б. 120;

5. ЎзР МДА, Р-736- жамғарма, 1-рўйхат, 932-иш, 67- варақ.

6. ЎзР МДА, Р-737- жамғарма, 1-рўйхат, 836-иш, 118-варақ.

7. ЎзР ПДА, 58- жамғарма, 13-рўйхат, 1265-иш, 3- варақ.

8. Известия ЦК РКП(б). 1929. - № 7. - С. 5.

9. Янги йўл.1929. - № 11. – Б. 7.

10. Ислам и женщины Востока. - Ташкент: 1990. - С. 58.

11. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. ... - Б.55;

12. ЎзР МДА, 736- жамғарма, 1-рўйхат, 933-иш, 172- варақ;

13. Худжум-значит наступление. Ташкент: 1987. - С. 20.

14. Ўз Р ФА ЎТДМ Эф. Инв. № Э 6456. Колл. 95–62.

[5] Ўша жойда, Инв. Э 4474, 74-50 коллекциялари.
[6] Ўша жойда, Инв. № Э 3101, 74-5 коллекциялари.
[7] Ўша жойда, Инв. Э 4466, 74-44 коллекциялари.